



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 13 июл, сешанба № 112 (1745)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



«ФАЙЗЛИ БОГДОД» - ЎЗ ХАРИДОРИГА ЭГА

Богдод туманидаги «Файзли-Богдод» масъулияти чекланган жамият сифатли маҳсулоти билан харидорлар эътиборини қозondi. «Файз» Холдинг компаниясига қарашли бўлган мазкур жамият бугунги кунда мактаб, боғча, коллеж ва офислар учун турли жиби мебеллар ишлаб чиқармоқда. Эътиборли томони шундаки, бу ерда тайёрланаётган парта, стол-стул, шкаф каби жихозлар қулайлиги, бежиримлиги билан хориж маҳсулотларидан сира қолишмайди. Хозир бу ерда юз нафардан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот турини кўپайтириш борасидаги изланишлар жамоанинг янада фаол ишлашига қўл беради.

Суратларда: илгор ишчи Қандиниса Жўраева; ишчи Хошим Бойбоев ва цех боши Одиложон Маматқулов. М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

ҲАЁТИМИЗГУЛЛАРИ

Аёлни улуғламок - оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламок демокдир. Президентимиз Исроом Каримовнинг ана шу пурмаъно сўзлари истиқлолнинг дастлабки кунлариданок мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини мустақамлаш борасидаги давлат аҳамиятига молик барча ишларимизнинг ўзига хос мезониға айланган.

ЭХТИРОМ

Мустақиллик йилларида, собиқ мустабид тузум замониданок жиддий фарқ қиларок, хотин-қизларнинг тенглиги, эркинлигини қозонди. қуруқ сўзда - ҳавойи мафкурада эмас, том маънода амалий ҳаётимизда рўёбга чиқаришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, аёлларни исзат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енғил қилиш ота-боболаримиздан қолган муқаддас удуимиздир.

XXI аср бўсағасида туриб ҳам, айрим мамлакатларда хотин-қизларнинг ўқиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан эркин фойдаланишини кескин тақикларға дучор этадиган сиёсат юртилаётган бир пайтда, хурриятга эришган Ўзбекистонда аёлға эхтиром кўрсатишедек юксак маънавий ва маърифий ишлар амалға оширилға болшанган эди.

Жамият ва аёл масаласи - миллат ва мамлакат манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб - энг мақбул миллий ва умумбашарий кадриятлар неғизда хал этилиши учун юртимизда тегишли шарт-шароит яратилгани эътирофға сазовордир.

Хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият курилишидаги мавқеи ва ролини кўчайтириш ҳамда уларнинг ихтимой муҳофазаси ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашға қаратилган ҳуқуқий неғиз шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси аёл ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишға доир бир қанча халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларға қўшилган.

Президентимизнинг бу борадаги фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, авваламбор, хотин-қизларимиз ўз қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бую маънавий дунёсини, меҳрибонлик кудратини намоян қилиши, ихтимой-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда ўзига муносиб ўринни дадил эгаллашға ҳар томонлама уқмақлашишға қаратилётган.

Агар юртимиз аҳолисининг қарийб 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этишини ҳисобға олсак, юқоридаги ҳужжатлар ижросидан меҳру муҳаббат, нафосат тисоли - оналарнинг, опа-сингилларимиз, оқила қизларимизға етаётган манфаатлар қўлами нечоғли кенг экани янада ойдинлашади.


АЁЛ ВА ЖАМИЯТ

Хозирги даврда мамлакатимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустақамлаш, амалға ошираётган ҳаётбахш ислохотларимиз самарадорлигини таъминлаш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантириш ишларидан аёлларимизнинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Бугун хотин-қизлар саноат, қишлоқ хўжалиги, или-фан, соғлиқни сақлаш тизими, халқ таълими, маданият ва саноат, спорт, тадбиркорлик, борингки, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида эркин ва самарали меҳнат қилаётир.

Миллат келажаги - оналар қўлида, дейдилар. Юртимизда 4 миллиондан кўпроқ оила бўлиб, уларада вояға этаётган буюк келажагимиз - жисмоний соғлом, маънавий бую ҳамда ахлоқон пок ёш авлодий тарбиялашедек шарофат бурч ва масъулият ҳам аёлларимизни зиммасида.

Мамлакатимизда қирқдан зиёд жамоат ташкилоти бевосита ёки бивосита хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланмоқда. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ана шу ташкилотлар орасида алоҳида нуфузға эга. Истиқлол билан тенгдош ушбу нодав-



«БАНДЛИК» БЎЛИМИ СТИПЕНДИЯСИ «УСТОЗ-ШОГИРД» ТИЗИМИ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Заврак қишлоғида 210 ўринли мактаб курилиши ҳақидаги хушхабар катта-ю кичинки кувонтирди. Чунки эски мактаб мослаштирилган бинода жойлаштирилган бўлиб, деворлари тўкилай деб турарди. Андижон туман ҳокимлиги ҳомийлигида курилиши лойиҳалаштириш, смета ҳужжатларини тайёрлаш юмшлари бошлаб юборилди. Навбат пойдевор тиклаш, деворларға гишт уришға келганда маблаг масаласи кўндаланг бўлди.

Аҳиллик, бағрикенглик, эл қорига ярашда хартумликлар ҳаммиси ибрат бўлган. «Жахан» қишлоғидаги гишт пишириш корхонаси жамоаси мактаб курилишиға 55 минг дона гишт ажратиш истағи билан ҳокимликка чиқди. Махаллий тадбиркор Эргашовой Мамасолиев ҳам савоб ишдан четда қолмади. Эртасиға Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ҳузурига кириб, мактабни тиклаш ишларига шахсий жамғармасидан 50 минг сўм сўм флашга тайёрлигини маълум қилди.

Бобур номли ширкат хўжалиги эса курилиш ҳисобига 3 миллион сўм маблаг ўтказганини билдириди. Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак дейдилар. «Ахмадгон» фирмаси мутасаддилари ҳамматига хартумликлар қойил қолдилар. Бойси, мактабға кетадиган эшик-ром ва бошқа жихозлар фирма маблаг ҳисобидан бепул ўрнатилиши режалаштирилди.

Уриқор маҳалласидаги «Қипчоқвой» чойхонаси ҳам ана шундай хашар йўли билан бунёд этилди. Сабаби, ушбу мавзег қишлоқ марказидан олисада жойлашган бўлиб, айниқса, нуронийлар бир жойға тўпланиб, гурунглашини кўндаланг бўлиб қилишарди. Махаллий тадбиркор Қипчоқвой ота Солиев ўз маблаг ҳисобидан чойхона куришға бела боғлади. Фарзандлари, яқинлари ёниға кирди. Уларнинг ортидан ёшу-қари эргашди. Туман ҳокимлиги, қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббусни маъқуллади. Чойхона курилиши учун ер ажра-

тилди, курувчилар жалб қилинди. Кўпдан кўн қочиб қутулмас, деганларча бор. Мана бугун пештоқиға «Қипчоқвой ота» деб ёзилган чойхона биносига қўниб ўтмаган чойхўрнинг ўзи йўқ. Йўл бўйлариға экилган терак қўчалари барг ёзган, анвойи гулзор баҳри дилинғизини очади.

Гузариинг довриги эса олисларға таралган. Бу хақаллик ҳунарманд, тошдан гул ундирувчи соҳибқору деҳқонларнинг меҳнати. М.Бегматовға қарашли хусусий фирмада айни кунларда автотомобилларға техник хизмат кўрсатувчи, таъмирлаш устaxonаси ишлаб турибди. Бу ерда 5 нафар ёшлар ҳунар эгаллаб, мўқим иш ўрниға эга бўлди. Т.Умрзоқова туман «Бандлик» бўлими билан ҳамкорликда қишлоқда кўпмили билан ҳамкорликда ишлаб чиқарадиган кичик корхона очди. «Уста-шоғирд» тизими бўйича 20 нафар ўғил-қиз «Бандлик» бўлимининг стипендияси билан малака ошириб, корхонаға ишға қойилди. Шу кунларда қишлоқда 30 нафарға ақин тадбиркор халқ истаъмойи моллари ишлаб чиқармоқда.

Хартум қишлоғида меҳридарё инсонлар яшайди. «Янги тўлқин» маҳалласидаги яқка-ёлғизлардан Қимсанбой Зокировнинг уйи яқросқиз халға келиб қолган эди. Буни шундайлиғиға ташлаб қўйиб бўлмасди. Бобур номли ширкат хўжалиги бошқаруви ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини фикри билан ишдан чиқиб, камхарж оилаға моддий ёрдам бериш масаласи ижобий ҳал этилди. Ҳомийлар ҳамда ширкат хўжалиги мадади билан қисқа муддатда уй таъмирлашиб, оила кўчиб ўтди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

Жондор туманидаги Нарзи Ражабов номили ширкат хўжалиғида барпо этилган замоний спорт мажмуи қишлоқ болалари учун севишли масканға айланган.

ЖАМГАРМА ТУҲФАСИ
Унда ёшлар спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кураш, қўл тўпи, енгил атлетика каби турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда.

«Махалла» халқаро жамғармаси мажмур спорт мажмуини 500 минг сўмликдан зиёд спорт анжумлари ва кийимларини совға қилди.

СЎНГГИ ЎЙИН ОЛДИДАН КУЧЛАР ТЕНГ

Бугун барча ўзбекистонлик шахмат мутахассислари ва мухлисларининг нигоҳи Ливия пойтахти Триполи шаҳрида давром этаётган шахмат бўйича жаҳон чемпионатиға қаратилган. Чунки у ерда халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов ҳамда англолик Майкл Адамс бош соврин учун дона сурмоқда.

Жаҳон чемпионати қоида-сига кўра, финалға чиққан шахматчилар ўзаро олтита партия ўйин ўтказиши лозим. Шахматчилар учта ўйинда беллашиб, бир мартадан ғалаба ва битта дурангға эришгандан сўнг, ўтган жума куни дам олишиди. Дам олиш кунлари финалнинг яна икки партияси ўтказилди. Тўртинчи партияни Рустам Қосимжонов бошлади. Оқ доналар билан ўйнаган гроссмейстеримиз 32 ёшли Майкл Адамсни 40-юришда мағлубиятға учратди ва ҳисобда олдинға чиқиб олди - 2,5:1,5.



Бешинчи партияда англолик шахмат устаси яна ҳисобни тенглаштиришға мувоффақ бўлди. Қора доналар билан ўйнаган Рустам Қосимжонов 46-юришда рақибининг устунигини тан олишға мажбур бўлди.

Шундай қилиб, сўнги олтинчи партия олдиндан ҳисоб тенглашди - 2,5:2,5. Агар душманга кўни асосий партияларнинг охириғида ҳам голиб аниқланмаса, сешанба кун тай-брейк учрашувлари ўтказилади.

Шундан сўнг, сўнги олтинчи партия олдиндан ҳисоб тенглашди - 2,5:2,5. Агар душманга кўни асосий партияларнинг охириғида ҳам голиб аниқланмаса, сешанба кун тай-брейк учрашувлари ўтказилади.

Шундан сўнг, сўнги олтинчи партия олдиндан ҳисоб тенглашди - 2,5:2,5. Агар душманга кўни асосий партияларнинг охириғида ҳам голиб аниқланмаса, сешанба кун тай-брейк учрашувлари ўтказилади.

Шундан сўнг, сўнги олтинчи партия олдиндан ҳисоб тенглашди - 2,5:2,5. Агар душманга кўни асосий партияларнинг охириғида ҳам голиб аниқланмаса, сешанба кун тай-брейк учрашувлари ўтказилади.

Шундан сўнг, сўнги олтинчи партия олдиндан ҳисоб тенглашди - 2,5:2,5. Агар душманга кўни асосий партияларнинг охириғида ҳам голиб аниқланмаса, сешанба кун тай-брейк учрашувлари ўтказилади.

«Ишонч» га жавоб берадилар «ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОСИ»

Газетамизнинг 2004 йил 5 июн сонидан юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Жарқўрган туманида аҳолининг тоза ичимлик сувиға бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳамон ечимини топмаётган муаммолар мавжудлиғи талғо олинган эди.

Кўни кеча шу танқидий чиқиб юзасидан Сурхондарё вилоят ҳокимлиғидан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилди:

Жарқўрган тумани «Сурхон» фермерлар уюмисидан 12 та махалла мавжуд бўлиб, ушбу махаллаларда истиқомат қилувчи аҳолиға тоза ичимлик суви вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасиға қарашли «Сурхон» сув ишлаб чиқариш ва сотиш корхонаси ҳамда «Сурхон» фермер хўжалиқлари уюмисига ҳисобда бўлган сув чиқариш кудуклари орқали өтказиб берилади.

Айни вақтда туман ҳокимлиғи томонидан аҳолини тоза ичимлик суви билан улуғсиёз таъминлаш мақсадида вақтинча ишламасдан турган артезиан кудукларини таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, қисқа муддат ичида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан барча зарурий чоралар қурилмоқда. Бундан ташқари, сув кубурлари тортилмаган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сув ташишға мўлжалланган транспорт воситалари ажратилди.

А.ЭШМУРАТОВ, вилоят ҳоқими

Атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг «Бу даргоҳдан ҳеч кимса норози кетмасин» деган пурқикмат ибораси барчанинг қон-қонига сингиб кетган. Афсуски, бегам ва лоқайдликка берилган мутасаддилар оз эмас. Шундай раҳбарларнинг айби билан Пайриқ тумани Йўлдош Охунбоев номли деҳқон-фермерлар уюмисининг Дўстларобод маҳалласида яшовчи Дилфуза Оқўбаеванинڭ оромии бузилди. Узининг қонуний иш ҳақини талаб қилиб аввал хўжалиқ раҳбариятиға, кейинчилик туман прокуратурасиға, мажсала хал бўлавермагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилиға мурожаат қилди.

Фуқаронинг аризаси Тошкентдан Самарқандға, вилоятдан туманға тақорор-тақорор юбориллаверди. Ҳақли талабини ҳал қила олмаган фуқаро эса икки йилдан бери ўртада сарсон саргардон.

Оила аъзоларимиз билан қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштириш ва хизматлар кўрсатиш учун оила (жамоа) пудрати туғрисида тузилган шартнома асосида туманда Бобур номли ширкат хўжалиғида меҳнат қилган эдик, - деб ёздади аризачи. - Пудрат аъзоларидан Норбўта Оқўбаеваға 67997, Дилфуза Оқўбаеваға 46962, Диларуз Оқўбаеваға 47004 сўм, жами 161963 сўм иш ҳақи ёзилган.

Пудрат аъзолари туман прокуратурасига мурожаат қилганларида дастлаб масала ижобий ҳал бўлмаган. Уларнинг өлиб-югуришлари 2004 йил 20 май кун тафтишичи С.Рўзимуродов, ҳисобчи

ЛОҚАЙДЛИК

М.Эргашев ва аризачилар иштирокида хўжатлар кўздан кеचирилганда 161963 сўм иш ҳақи мавжудлиғи аниқланди.

Бир хат изидан

курори томонидан М.Аҳмедов ва Бошқаларға нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2 қисми «Б» банди билан жиноий иш қўзғатилган ва дастлабки тергов харакатлари прокуратуранинг собиқ терговчиси Ж.Умаров томонидан олиб борилган. Тергов жараёнида хўжалик раҳбари А.Исमतовнинг харакатларида жиноят таркиби мавжуд эмаслиғи назарда тутилиб, ишнинг А.Исमतовға бўлган қисми 2003 йил 20 октябр кунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси иккинчи қисми қўланиб тўзгатирилган.

Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият

Қашқадарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитасига қарашли йўлдош Оқунбоев номи оромгоҳи Шахрисабз туманининг Поллистон қишлоғидаги энг сўлим масканлардан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳозирги пайтда педагог-ҳодимларнинг юзлаб фарзандлари мириқиб ҳордиқ чикаришмоқда.

Тумanning хушхаво табиати худудида жойлашган ушбу оромгоҳда болаларнинг мароқли ҳордиқ чикаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Етарли даражада жиҳозланган ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари болаларнинг ихтиёрига бериб қўйилган.

Оромгоҳимиз мавсум давомидида уч навбатда 750 нафар ўғил-қизни соғломлаштиришга мўлжалланган, дейди тармоқ ходимлари вилоят кўмитаси раиси Шодмон Кубаев. 2004 йилги соғломлаштириш мавсумида оромгоҳни мавсумга пухта тайёрлаш мақсадида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси томонидан 5 миллион сўм маблағ ажратилиб, барча ассосий ва ёрдамчи бинолар, спорт иншоотлари, ошхона, душхона, чўмилиш ҳавзаси ҳамда ўйин майдончалари ажойиб қўриниш касб этди.

Дарҳақиқат, бу борада мутасаддилар ва ҳомийлар томонидан мактовга лойиқ ишлар қилинди. Масалан, мавсум давомидида оромгоҳи

ни сифатли озиқ-овқат, хўлмева ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш учун Шахрисабздаги савдо ташкилотлари, тайёрлов идоралари ва жамоа хўжаликчиси билан шартномаalar тузилди. Шунингдек, оромгоҳ худудида кўламазорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 500 донга мевали ва манзарали дарaxтлар, турли мавсумий гул кўчатлари ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, Меҳр ва мурувват йилларида болаларни соғломлаштириш ва мароқли дам олишларини таъминлаш учун вилоят тармоқ кўмитаси, оромгоҳ ишчи-ҳодимлари томони



«НУРАФШОН»ДА ГОРН САДОСИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган болалар оромгоҳи «Нурафшон» деб номланади. Ҳондайлик қўғунда маскан топган бу соғломлаштириш даргоҳида ўқувчилар ёзи мароқли ўтказиш учун барча қулайликлар муҳайё қилинган.

«Ониск» ҳиссадорлик жамияти ўз тасаруфидидаги мазкур сўлим боғни янги мавсумга ҳозирлашда жонбозлик кўрсатди. Қорақалпоғистон маорифчилари билан ҳамкорликда иш тутиб, бу нуқудай экологик худуд болалар учун ҳам жой ажратди. «Нурафшон»да болалар ёзининг биринчи сменасида 90 нафар ўғил-қиз мириқиб дам олди.

Оромгоҳ яқинда бу худуддан келган навбатдаги дам олувчиларни ўз бағрига олди. Учунчи сменада ҳам оромгоҳ қорақалпоғистонлик болалар билан гавжум бўлади.

СЎЛИМ БОҒЛАР КУЧОҒИДА

Хар сафаргидек бу йил ҳам мамлакатимиз мактаблари ўқитувчилари ёзги таълини сўлим боғ-роғлар кўчида ўтказадилар. Республика Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий кўмитаси эса бу борада жонбозлик кўрсатиб, қатор ибратли тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўтган йили республикамиздаги 18 мингдан ортиқ педагог мамлакатимиздаги курорт ва санаторийларда ўз саломатликларини мухтажамлаган эди. Бу йил эса бундай имкониятлардан фойдаланувчилар сони янада ортди.

Биргина «Сўқок» дам олиш уйдаи ҳордиқ чикариш учун яқинда 140 та йўлланма ажратилди. Бундан ташқари, «Ботаника», «Турон», «Чинобод», «Чимён», «Чортоқ» каби санаторийларга ҳам йўлланмалар берилмоқда. Касаба уюшма йўлланмаси билан республикамиздаги сўлим гушаларда ҳам намунали дам олиш ташкил этилаётди.

Севаера УҚТАМОВА

ҲОМИЙЛАР САВОБДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙТИРЛАР

дан барча имкониятлар ишга солинди. Натижада оромгоҳга 1,5 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар харид қилинди. Айниқса, болаларнинг маънавий баркамоллигига эътибор қатна. Шунинг учун бу ерда доимий фаолият кўрсатаётган бой кутубхона, «Маънавият ва маърифат» хонаси қачон қараманг, болалар билан гавжум. Дар


воқе, яқинда кутубхонага 200 дан ортиқ болалар адабиёти тақдим этилди. Бундан ташқари, оромгоҳдаги барча паннолар қайтадан қўриб чиқилиб, буюқ алломаларимизнинг ҳикматли сўзлари билан бойитилди. Болаларнинг қизиқишларига қараб турли тўғараклар ишлаб турибди. Савобли ишлардан ҳомий ташкилотлар ҳам четда қол

маётир. Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши томонидан оромгоҳга 200 миң сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Болаларнинг спорт билан кенг шугулланишлари учун футбол ва волейбол туپлари ҳамда шохмат шакшаклар тўғрисида Шунингдек, «Камалак» болалар ташкилотининг аъзолари ҳисобланган кам таъмин

ланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож педагог-ҳодимларнинг фарзандларидан 100 нафарига ота-оналар томонидан тўланадиган оромгоҳ йўлланмасининг қиймати тўлаб берилди.

Энг қувонарлиси, оромгоҳга ҳомийлик ёрдами кўрсатиш истағидаги ширкат, фермер хўжаликчиси, корхона ва муассасаларнинг сони ортиб бормоқда. Бу мавсумнинг қўғундагидек яқунланиши учун муҳим омил бўлмоқда.

Акмал АЛЛАМУРОВОВ, «Ишонч» муҳбири



Мамлакатимиз ҳукумати тайёр маҳсулотлар, жумладан, болаларга мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ихтисослашган корхоналарни рағбатлантириши, ички бозорни тўлдириб ва экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ЛОЙИҲА ҚИЙМАТИ 40 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон-Туркия «Бурсель-Тошкент Текстиль» кўша корхонасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори фаолиятимизнинг ассосий йўналишини белгилаб берди, - деди Туркия Бурсель компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Эрхон Ингин Уза мухбирига. Чирчиқ шаҳрида амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати салкам қирқ миллион АҚШ долларига тенг. Уни молиялаштириш тўғрисида тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан амалга оширилмоқда. Корхона ишга туширилгандан сўнг йилга салкам 57 миллион донга трикотажи буюм ишлаб чиқарилади. Шундан 16 миллион донаси болаларга мўлжалланган спорт либосларини ташкил этади. Қўша корхонада бир ярим миң нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

(ЎЗА)

Табиат ва биз

Сурхондарё вилоятида ғалла ўрими-йигими авж палладан ўтиб, далаларнинг қатта қисми ҳосилдан бўлибди. Мутахассислар, деҳқонлар иккинчи экин-га шочишлич ҳаракат қила бошладилар. Лекин иккинчи экинни экин арафасида айрим раҳбарлар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонуни талабларига эна қолма иш тутмоқдалар. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси Рўзигул Сафарова бу ҳақда қуйинчақлик билан қуйидагиларни гапириб берди:

ЁНАЁТГАН ДАЛАЛАР

— Ғалла ўрими-йигими бошланганидан аввал вилоятимиздаги барча туман ҳокимликларига, хўжаликчиларига ҳосилдан бўшаган майдонлардаги сомон пояларини ёқиш мумкин эмаслиги хусусида оғохлантириш хати юборган эдик. Биз бу ҳақда барча мутахассисларни, раҳбарларни оғохлантириб турган бир пайтда айрим раҳбарлар, аниқроғи, узоқни кўра билмаган мутахассисларнинг буйруғи билан ғалладан бўшаган майдонларга ўт қўйилмоқда. Сариоғит туманидаги «Дашнобод» ширкат хўжалигининг Музработ тумани Қораканар мавзеида ғалла майдонлари бор. Майдонлардаги ғалла ўриб-йигиб олинди. Далада сомон поялари қолади. Шунда хўжалик раҳбарлари қўл остидаги ишчиларга мажбуран гургурт тутқазиб пояларини ёқиш ҳақида буйруқ беришади. Ноилжон раҳбарларни далага ўт қўядилар. Хуллас, Қораканар участкаси бошлиғи Саидкул Эшмиров, бўлим бошлиқлари Нарзибой Хотамов, Зоир Тойиров, пудратчи Хусан Азимов, Уктам Қилчиёв, Ғайрат Жалилов, Уктам Имонкуловларнинг маъсулиятсизлиги, айби билан 55 гектар ғалладан бўшаган ер майдонлари ёқиш юборилади. Биз бу шахсларга қилмишлари учун 146

миң 880 сўм жарима белгиладиқ. Еки бўлмаса, Музработ туманидаги Райим Бўриев номи ширкати хўжалиги пудратчиси Юсуф Норкулгоўзига бириктирилган 3 гектар майдоннинг ғалласини ўриб олган, пояни ёқиш юбориришга жазм қилди. Унга ҳам 16 миң 320 сўм жарима солинди. Шунингдек, Шўрчи туманидаги «Озод» ширкат хўжалигида жойлашган «Нурали» фермер хўжалиги пудратчиси Абдурашул Мажидов томонидан 2 гектар ғалла майдонига ўт қўйилган. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси расисининг алаам ва оғриқ билан айтган гаплари замйрида қатта ҳақиқат бор. Она заминга ўт қўймоқ учун бизга жон қадар, ҳаёт қадар азиз ва яқин бўлган атмосфера ни инфоулантлатиётган одамларнинг қалбидида кўп эзгу нарсалар ўлган бўлиши керак... Бунинг бошқача изохлаб бўлмайди. Хўш, Сурхон заминидида узоқни кўра билмаган баъзи мутахассислар ва раҳбарларнинг бевосиви айтиш, буйруғи билан ғалла майдонларига ўт қўйиш тўхтатилмайди? Тегишли идораларнинг томонидан қўлланялаётган чоралар ўз мевасини берадилми? Бу ҳақда олдиндан бирон нарса дейиш қийин.

«Туркстон-пресс»

«Ишонч» бонг уради

гушасида жойлашган, - дея сўзини давом эттирди касабакўми раиси. - Бу яқши. Бироқ болаларни олиб бориш, олиб келиш анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Бунинг устига оромгоҳ раҳбари Форишлик Шавакат Йўлдошев Арнастой туманига келиб, ота-оналар, болалар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормайпти. Натижада йўлланмалар сотиш анча мушкул кечмоқда. Ҳадемай ёзги таътил ҳам тугаб қолади. Тадбиркор, фермер ота-оналар бу ишга бош қўшмасалар, болаларнинг оромгоҳларига бориши, хордиқ чикаришлари орзуга айланиб қолиши. «Табассум» табассум қилмай қўйиши мумкин. Бунинг ҳамма кечирса ҳам болалар кечирмайди.

Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» муҳбири

Жизжа вилоятда бу йил қарий беш миң бода оромгоҳларда дам олиш мўлжалланмоқда. Биринчи босқич ниҳоясига етди. Унда 1700 нафар бола хордиқ чикаришди. Афсуски, мавжуд 18 та оромгоҳдан 2 таси биринчи босқичда фаолият кўрсатмади. Ғаллорол ва Арнастой туманлари болаларига нима айб бор экани, улар оромгоҳларга юборилмади. Вилоят ҳокими ва касабиа уюшмалари вилоят кенгаши раёсатининг қўша қарорига кўра болаларни оромгоҳларга қабул қилиш 7 июндан эътиборан бошлангани кўзда тутилган эди. Аксарият оромгоҳлар болаларни ўз муддатидида бағрига олди. Аммо неғадир Арнастой туманида бу ишга панжа орасидан қаралмоқда. Йўлланмалар сотиш, озиқ-овқат маҳсулотлари учун маблағ топиш ишлари аччиқ ичакдек чўзилгандан чўзилиб борапти.

аммо бўлиб турибди, - дейди Агросаноат мажмуи ҳодимлари касабиа уюшмалари туман кенгаши ра

ганларидек, ўшандан бери бир масалага ойдинлик киритиш учун қанчадан-қанча одам овора. Фо-

«ТАБАССУМ» ТАБАССУМ ҚИЛМАЙ ҚҲЙДИ

ёки арнасойлик болалар нега дам олдирилмаяпти?

и Киризаю Оқилова. - Туманимизда санаот, қурилиш корхоналари йўқ. Маблағ топиш анча қийин кечмоқда. Туманининг Фориш туманида жойлашган «Табассум» оромгоҳидида бор-йўғи 70 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Жорий йилнинг 2 июлигача эса атиги 24 та йўлланма сотилган ҳолос. Утган йили 85 нафар бола хордиқ чикаришга эришилган эди. Лекин савобнинг тағи тешиқ де

риш тумани «Богдон» матбуот савдон маъсулияти чекланган жамият бошқаруви раиси М.Норбеков имзо-зоси билан Арнастой тумани хокими вазифини бажарувчи М.Абдураҳмонов номига юборилган хат касабакўми раиси столи устида турибди. Унда ўтган йили оромгоҳда дам олдирилган болаларнинг фақат озиқ-овқат маҳсулотлари учун 1 миллион 235,2 миң сўмлик дебиторлик қарзи борлиғи ёзилган. Раис бўлганига 4 ойча бўлган

Киризаю Оқилованинг бу рақамда «капалаги учиб» турибди. Бунинг устига бу йил ҳам маблағ топши масаласи... Раис елиб-югурмоқда, барибир боши қотган. Бир амаллаб, фермерлар, хусусий тадбиркорлар кўмағидида 1 миллион 500 миң сўмлик маблағ топиб, оромгоҳни яқшилаб таъмирдан чиқаришга бош-қош бўлди. - Оромгоҳимиз туман марказидан 90-100 километр олисди, Форишнинг баҳаво ва сўлим

Маълумки, дунёнинг тинчлиги, халқлар осойишталиғи ва фаровонлиғи, жамиятнинг ривожланиши ва юксалиши маърифатпарвар, халқпарвар, тараккилпарвар ва бунёдкор инсонларга боғлиқдир.

Ана шундай сиймолардан бири Хожа Аҳрор Валиидир. Унинг ўз даврида ижтимоий ҳаётда, шунингдек ислом оламида туганган ўрнини адолатли баҳолаш, ислом фалсафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2004 йилнинг 25 март қисни «Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди.

Авалло шундай айтиш керакки, Хожа Аҳрор ҳақида жуда кўплаб асарлар, рисоалар, мақоаллар ёзилган. Айниқса, Шамоуддинхон Зиёуддинхон ўғли Бобохонов ва Абдулазиз Мансур муаллифинида тайёрланган «Нақшбандий тарикати оид қўлэмалар фикҳристи» («Мовароуннаҳр» нашриёти, Тошкент, 1993) асари гоъят муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан унда Хожа Аҳрорнинг маълум Жомий билан ҳамфйир болганлиги ва Жомийнинг Самарқандга келиб Хожа Аҳрор уйда бўлиши, Хожа Аҳрорнинг эса ўз навбатида Хиротга бурганда Жомийнинг уйда бўлганлиғи, шунингдек Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳаёти, кашфу қароматлари ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга унинг онаси ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Хожа Довуднинг қизи бўлганлиги, Хожа Довуд Шайх Хованд Тахурнинг ўғли эканлиғи, Шайх Хованд Тахур эса, шайх Умар Богистоннинг ўғли эканлиғи ҳақида маълумотлар берилади.

Химмат қилмоқ лозимдир, «Айтур ёрдиликми: менинг Сизларга дунёни манъ этишим дунёни Сизлардан дарег туттиш маъносиди эмас, балки Сизларни дунёда қўриқиб олиш маъносидидир. Чунки Одам шунчалик улугворлиғи билан ўз вақтини арзимас нарсалар учун зоеъ қилмоғига ҳайфим келаяди».

Хожа Убайдуллоҳнинг болалиқ ва ёшлик даври Тошкент худудида ўтган ва шу ердаги мадрасаларда тахсил олган. Кейинчалик тоғаси Хожа Иброҳим унга чўқурроқ билим ўргатиш мақсадида ўзи билан Самарқандга олиб кетди. Чунки, Самарқанд бу даврда Мирзо Улуғбек томонидан бошқарилиб, илм ва адабиёт маркази сифатида танилган эди.

Хожа Аҳрор Самарқандда олган билимларини ошириш мақсадида 24 ёшида Хирот шаҳрига ҳам боради. Бу ерда тасавуф тариқатлари вақилларидан бири машур ориф ва шоир Саййид Қосим Анвар, Хожа Аҳрор Баҳоуддин Умар, Шайх Зайнингдин Хавафийларнинг суҳбатидида бўлади. Шунингдек, Хожа Аҳрор Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шоғирди бўлиши Яъқуб Чархайига қўл бериб, унинг нақшбандия тариқати ҳақидаги билимларини ўрганди. Ана шундай алломалар билимларидида баҳраманд бўлган Хожа Аҳрор 27-28 ёшларида Тошкентга қайтиб келган ва Нақшбандия тариқатининг даъвомчиси сифатида танила бошилаган.

Хожа Аҳрор Валий нафақат исломий билимлар, тасавуф билан шугулланганига қолмай, давлат ишлари билан шугулланган кишиларга ҳам ўз маслаҳатларини бериб келган. Шундай маълумотлар борки, у Алишер Навоийга ҳам тегишли вақтларда баъзи истақларини билдирган ва маслаҳатларини берган. Бундан Алишер Навоийнинг қўнғли хушнуд бўлган. Хожа Аҳрор ўз мактабларида жумладан, шу даврда Хурсонда темирйиёзда шахзод

таъзим қилгандек, ҳар бир мактаб ўнгида «Фақир Убайдуллоҳ» ёки «Фақирул-ҳақир» деб имзо чекади. Маълум сабабларга кўра сарой хизматидан воз кечмоқчи бўлган Алишер Навоийга Хожа Аҳрор хат йўлаб: «...Эшитишмица, онқаззи истакларини билдирган ва маслаҳатларини берган. Бундан Алишер Навоийнинг қўнғли хушнуд бўлган. Хожа Аҳрор ўз мактабларида жумладан, шу даврда Хурсонда темирйиёзда шахзод

тўлашдан озои бўлишган. Шундай маълумотлар ҳам борки, Хожа Аҳрор кексалиб қолган даврларда унинг ҳисобидида 58 миң гектар ер, миллионга яқин қўй-қўзи, миңлаб йилқилар, жуда кўп бургорлар, экин майдонлари бўлган. Хожа Аҳрор ўзига тегишли ана шу ер ва мулклардан олинадиган даромадларни масжидлар, хонақоҳлар ва бошқа қурилышларга, халқ бошига тўшадиган соликларни тўлашга сарфлаган. Хожа Аҳрорни Алишер Наво

ШУ ЗАМИНДА ТУҒИЛГАН ВА УШБУ ЗАМИН ОСОЙИШТАЛИҒИ УЧУН ЯШАГАН ЭДИ

ларнинг тожу тахт учун олиб борайтган қурашлари натижасида сарф бўлаётган хунрезликларни тўхтатишда Навоийнинг мадади зарурлигини қайд этади. Хожа Аҳрор мактабларининг мазмуни ҳақида тарихшунос олим Зокиржон Қўтибев шундай ёзади: «Шуниқс муҳими, айрим мактабларда олиму фузаловларга, тиркичилик юзасидан баҳоли кўридат тижорат билан шугулланганларга меҳру шафқат, мурувват кўрсатиб, ҳомийлик қилиш сўралган эди. «Мана шу мактабни элтивчи каминанинг яқинларидан бўлиб, ғариб кишилар қаторида у томонларга (яъни Хурсонга) муҳтожлик юзасидан моллар олиб боради. Хазратлари (Навоий)нинг хизматчилари унга шафқат кўрсатсалар, токи у ёмон одамларнинг жабрига дучор бўлмасин».

...Мактабларни синчиқлаб ўрганиш асосида шу нарса ни дадил айтиш мумкинки, Алишер Навоий ва Хожа Аҳрор ўрталарида гоъят бегубор, эътиқодли дўстлик юзига келган. Хожа Аҳрор Навоийнинг буюқ сиймоси олдида гуё

уичн хотири шарифингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши ҳам муулмонлар габини ёйиши ни ўйламай қўйган бу вақтда уларга ғамхўрлик қилиш — энг хайрии ишдир!» деб ўз фикрини билдирган. Хожа Аҳрорни оддий фуқаролар ҳомий деб биларди. Чунки деҳқонлар томонидан ўзларининг ерларини унга назр қилиб беришлари натижасида унинг экинзорлари, боғлари қатта майдонни ташкил этди. Деҳқонларнинг ўз ерларини унга назр қилиб беришларининг сабаби ўша даврдаги хўкждор Абу Саид Мирзонинг фармони билан Хожа Аҳрор ўзлик қарашли ер ва мулкларда фақатгина ўдан бир микдорда солик тўлар эди. Бошқалар эса ўзларининг ер ва мулкларидан қўшимца яна бошқа соликларни ҳам тўлашган. Бу эса деҳқонларни моддий жиҳатдан анча ёмон ахволга солиб қўйган. Шунинг учун улар ихтиёрларидида ерларини Хожа Аҳрор номига ўтказишган ва шу ерда ўзлари ишлагани давом эттирганлар. Шу билан улар орттичга солиқлар

ий, Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ўзларига маънавий гир сифатида билиганлар. У амирлар каби шохона саройларда яшамаган, оддий хонада кун ўтказган. Лекин у илм ва маърифатни ривожлантириш учун ўз мулкни аямган. Қурдирган мадрасаларидида талабаларнинг эркин ва ташвишсиз билим олишлари учун анчагина гектар ерларини уларга ҳужжатлаштириб тақдим этган.

Энг муҳими яна шундаки, у ўз даврида қатта вилоятларни бошқариб турган хўкждорлар орасида пайдо бўлган низоларни тинчилик йўли билан ҳал этишга ҳаракат қилиб, жанглар натижасида ўлиб кетадиган қанчадан-қанча бегубоғ ийгитларнинг умрини асраб қолган, халқ орасида пайдо бўладиган турли саросималарнинг олдини олишга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Лекин, Хожа Аҳрорнинг халқ ва амирлар, вазирлар, беклар, оливлар, маърифатпарвар шoirлар орасида мавқенинг кучлилиги баъзи амалдорлар ва мутаассиб кишиларга мақкул эмас эди. Шунинг учун бундай кишилар пайт пайтда, турли вазиятлардан фойдаланиб унинг обрусини кетгизади, бўлмаган айбонни қўйиб, таъйиб остига олишга ҳаракат қилганлар. Лекин улар ҳам вақти келиб Хожа Аҳрор олдида ўз гуноҳларини сезиб нохуш вазиятларда қолганлар. Маълумки, «Улуғбекнинг ўлдирилишида Хожа Аҳрорнинг қўли бор» деган гап ҳам халқ орасида тарқалган. Аслида шундай бўлмайди? Бу уйдирма ҳақиқатга тўғри келадими? Бу даврда Улуғбек неча ёшга кирган эди-ю, Хожа Аҳрор неча ёшда бўлган? Ушбу саволларга жаваб бермоқчи бўлсак, аввало шундай айтиш керакки, Улуғбек 1449 йилнинг 27 октябрида ўлдирилади. Бу пайтда Самарқандда Хожа Аҳрор ҳеч қандай нуфузга эга бўлмаган ва боз устига Шошда яшаган.

Хожа Аҳрор Мирзо Улуғбекнинг вафотидан 3 ёки 4 йилдан сўнг Самарқандга келган. Демак, Улуғбек устидан уошйрилган фитнада Хожа Аҳрорнинг алқоси йўқ. Агар бу ишга Хожа Аҳрор аралашган бўлганда сўлтону Абу Саид уни Тошкентдан Самарқандга қўчиртириб келмас эди ва юксак мартабага кўтармасди. Ундан ташқари Мир Алишер, Абдурахмон Жомий каби буюқ алломалар бундай инсонни ўзларига шунчалик яқин тутмасдилар.

Бу икки улуг алломанинг Хожа Аҳрорни қанчалик ҳурмат қилишларини қўйидидаги мисолдан ҳам билса бўлади. Гоъят кексалиб ва бетоб бўлиб Самарқанднинг Шовдор худудидаги Камонгорон мавзеида яшаган Хожа Аҳрорни даволатиш учун Алишер Навоий олис Хиротдан ўзининг шахсий таъибини юборган. 1490 йилда Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрорнинг вафоти ҳақида нохуш хабарни эшитта эса шу муносабат билан Хиротда бўлган Алишер Навоийга


Тошпўлат ТОШЛОҒОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

АМУДАРЁДА ЯНГИ ЎЙИНГОХ

ишга тушиш арафасида

Жисмонан соғлом ва ақлан баркамол авлодно тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис юртимизда бу соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг шу тўғридаги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг чекка-чекка худудларида ҳам янги иншоотлар қад ростламоқда.

Амударё тумани энг чека худудлардан бири саналади. Туман Хоразм вилояти Гурлан тумани ҳамда Қўшчи Туркменистоннинг Тошовуз вилояти билан чегарадош. Тўйга тўёна билан бориш ҳалқимизнинг азалий удувларидан. Яхши ният билан туман марказида янги спорт мажмуаси қурилиши бошланган эди. У мустақилликнинг 13 йиллиги тўйи



арафасида фойдаланишга топширилади. 800 ўринли бу спорт иншоотида футбол майдони, баскетбол ва волейбол майдончаси, югуриш йўлақлари ва тўртта спорт залли мавжуд. Хозирги кунда ўйингоҳга сўнгги пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўйингоҳ ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда. Туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўйин-

Спорт иншоотлари

гоҳ қурилиши учун 152 миллион сўм маблағ ажратди. Худуддаги «Олду» ҳиссадорлик жамияти, Жумурто ҳиссадорлик жамияти, Амударё

селикат корхонаси, туман МТПСи ҳам бу хайрли ишдан четда қолмади. Умуман тумандаги 25 тадан зиёд корхона ва ташкилотлар баҳоли қудрат ёрдам кўрсатдилар.

Бу масканнинг очилиши атраф худудларда яшовчи болакайларнинг спорт билан мунтазам шугулланишига қулайлик яратди, — дейди туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бош мутахассиси Ҳамро Йўлдошев. — Очиғи, илгарилари туманимизда йирик тадбирларни ўтказадиган замонавий ўйингоҳ йўқ эди. Энди туманимиз аҳолиси барча қулайликларга эга бўлган масканда спорт билан шугулланиши мумкин. Чекка туманимизда барпо этилган бу маскан юртимизда спортга, хусусан, болалар спортига бўлган эътиборнинг мевасидир. Келгусида бу ерда кўпал чемпионолар етишиб чиқиши шубҳасиз.

Шухрат САЙДОВ, «Ишонч» муҳбири
Озод СУЛТОНОВ олган суратлар

шом эди, маънос ҳаёлимни яккаҳлик тарафидан қишнаш бўлди. Отам ҳа-а-й, деди, кетди палакат, аммо бу сафар товуши сал бўштаб эшитилди.

Мен ҳам улғайдим. Аммо Қора йўрга тўғрисида отамнинг хузуриди бошқа ҳеч гап очмадим. Очиғи, отамнинг яна йиллашдан, эзилишдан қўққим. Йиллар ўтиб отам ҳам дунёдан ўтди. Энди менга на от, на чўбир тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима

Асрор НИЗОМОВ

ҚОРА ЙЎРГА

Бади

гапириб бермас эди. Ховлимиздаги яккаҳлик ҳам бум-бўш, сўпайиб турар, Қора йўргани, мингбоши бобоми ва отамни эслардим. Унинг оти бор журтга бало-қазо, палакат дори-майди деган сўзларини эслардим. Отам ҳам, мингбоши бобом ҳам, Қора йўрга, унинг яккаҳлиги ҳам узоқ ўтмиш бўлиб қолди.

Бир кун ногаҳон яна Қора йўрга тўғрисида бир гапни ҳабар топиб олдим. Энди бу ҳақда Республика Фанлар Академияси журнали «Фан ва турмуш» (1997 й., №1)да ТошДУ аспиранти (балки ҳозир фан номзоди ёки фан докторидир) Абдумурод Тиллаов ёзар эди. Айнан кўчирма: «Бир пайтлар Зулдуқарнайн қишлоқ атрофида (Бизнинг ховлимиздан 80 км шимолда А. Н.) қора рангли, учкур бир тулпор бўлган. Бу тулпор ҳеч қимга тўтқиқ бермас эди, мингбоши бобом ҳам, белига манови бир пой гулдор узангани, мингбоши бобомдан, Қора йўргандан қолган арзанда ёдгори осиб уйга келаман. Кейин уни ховлимнинг ўртасига, кичикроқ бўлса ҳам яккаҳлик чалиниб хайвондан қўз юмган. Шамши мерган ҳам хасталаниб бир ўлимдан қолган». Бу ҳикояни аспирант А. Тиллаовга худди шу Шамши мерган гапириб берган экан.

Зулқарнайн Қора йўрганининг «изи»ни қидириб борганимда, Шамши мерганнинг дунёдан ўтиб кетган, дейшди. Аммо бир қария айтидики, от билан одам қисмати кўпинча ўхшаб бўлади, қачонки бу иккови қалин дўст бўлишса. Қорақул мингбоши ва Қора йўрга қисмати ҳам, номлари ҳам, худди ўйкаш бўлиб чиқади. Икко-

ФУТБОЛ МАКТАБИ

Узун туманидаги Б.Омонов номли ширкат ҳўжалиги худудда ҳалқ таълими бўлимига қарашли 5 минг томошабинга мўлжалланган «Оқ олтин» ўйингоҳи фаолият кўрсатмоқда. Футбол мактаби ўқувчилари шу ерда машғулот олиб борадилар. Ўйингоҳ ҳалқро талабар даражасига мос бўлиб, унда 8 та ювенил хонаси, 5 та камерали душ ва стол тенниси заллари мавжуд.

Футбол мактабида 10 ёшдан 16 ёшга бўлган 120 ўқувчи 6 та секцияда мунтазам шугулланиб келмоқда. Улар умумтаълим мактаблари, 5-бобо-ча-мактаб, қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежи ўқувчилари орасидан саралаб олинган. Ёшларга таърибли мураббийлар – Нусратилло ва Зибўлло Назаровлар ҳамда Турсунали Саидов футбол сирларини ўргатишмоқда.

Болаларнинг футболга иштиқини қўриб ўзим ҳам руҳлиб кетаман. Айниқса, 10 ёшли Мурод Назаров, Резов Давлатов, 11 ёшли Феруз Азизов, Суҳроб Алиев, Ислам Сувонов, Жамол Мурзоев, 14 ёшли Рустам Алимрӯдов, Жўрабек Халилов, Тоғаймурод Мелибоев каби ўқувчиларнинг қобилиятлари уларнинг келажагини дарак бериб турибди, — дейди мураббий Турсунали Саидов.

Бу йил ҳалқ таълими бўлими томонидан мактабда 2 миллион 800 миң сўмлик спорт жиҳозлари, копток, дарвоза тўри, кийим-бошлар олиб берилди. Шунингдек, Ҳикматилло Шоймардонов, Наби Шарипов каби саховатли инсонлар моддий жиҳатдан кўмак бериб келишмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири

Талабалар фестивали ЁШЛИК-ОЛТИН ДАВРИМ

Тошкентдаги «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ташаббуси билан ташкил этилган «Ёшлик олтин даврим» деб номланган талабалар фестивалига кизгин тайёргарлик ишлари кетаяпти.

Фестивал Ўзбекистон телерадиокорпорацияси, «Гранд», «Водий садоси» радиолари, «Туркистон», «Ўзбекистон овози» газеталари ва бир қанча журналлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги, ҳалқро Талабалар кўни ҳамда «Меҳр ва муруват» йили муносабати билан ташкил этилган маъзур фестивал шу йилнинг 10 сентябрдан 17 сентябрга қадар ўтказилади. Фестивал бадий ижодиёт дизайнерлик ва музыка йўналишида ташкил этилади. Танловда «Замонавий шарқ урф-одатларига ёшлар нигоҳи», «Авгудун» ва «Мелинг орзуларини» номинациялари бўйича 35 ёшгача бўлган ёш муаллимлар ўзларининг фотоавахалари, тасвирий саноат асарлари, дизайнерлик композициялари ҳамда бошқа ижодий ишлари билан иштирок этишлари мумкин.

Маъзур фестивални уюштиришдан мақсад, иқодкор ёшларни бирлаштириш, уларнинг энг қобилиятларини танлаб олишга хизमत қилади. Танловда иштирок этишчи хохлаган ёшлар «Бунёдкор» телеклубига муружат этишлари мумкин.

«Туркистон-пресс»



Дунёга сергак нигоҳ

Хабарлар оқимидан

ШТРИХ КОД БЕЛГИСИ

Тошкентдаги «Халқро почтампт» акционерлик жамияти ўз мижозларига яна бир катта қулайликни яратди. Эндиликда маъзур жамиятдан жўнатилаётган барча хат-хабарлар, банкдор ва жўнатмаларга штрих код белгиси қўйиладиган бўлди.

Ҳақон почта алоқаси тизимида бундай илгор иш усули амалиётга тадбиқ этилганига қўл бўлганича йўқ. Бу белги орқали товарнинг қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани, санаси, ҳаққийлиги, сифати сингари маълумотлар ифодаланади.

Янгича тартиб Ўзбекистонда ҳам қўл кела бошлади. У почтампт ходимлари ишини анча осонлаштириб, вақтни тежайди. Бу усул турли журналларга қўлда қайд қилиш, маълумотлар ёзиш каби юмушлардан ҳалос этади. Бу жараёнларни компьютер курилмаларининг ўзи бараҳасида.

Келгусида республикамизда барча почта алоқаси бўлимларида ҳам шу илгор усулга ўтказилади.

ЎЗБЕК МЕТРОСОЗЛАРИ ҚОЗОНДА

Татаристоннинг пойтахти Қозон шаҳри ўзининг миңг йиллик юбилейига тараддуд қўрмоқда. Шу сана муносабати билан бу қўна шаҳарда катта бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда.

Қозон метрополитенини ҳам фойдаланишга топширилади. Бу улкан бунёдкорлик ишларида Тошкент метрополитенининг

бой иш таърибаларидан ҳам кўп фойдаланилмоқда. Узаро келишувга биноан ўзбек метросозлари вакиллари ҳам Қозон метросини қўришда иштирок этиб, ўз амалий ёрдамларини бермоқдалар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бу қўна шаҳар сана олдиндан Татаристон тарихи билан боғлиқ янги китоб босмага тайёролди.

Энциклопедияда нашр сифатида тақдим этиладиган бу тўплам Тошкентдаги Татаристон маданият марказининг юбилейига муносив соғаси бўлади.

БАКАЛАВРЛАР ДАРСЛИГИ

Энг яхши дарслик ва ўқув адабиётлари бўйича ўтказилган республика танловда чет тилларида яратилган қатор қўланмалар ҳам қолиб деб топилган эди.

Мамлакатимиздаги аниқ фанлар олий ўқув юртлари бакалаврлари учун немис тилида ёзилган дарслик яқинда нашрдан чиқди. Бир гуруҳ педагог олим ва таърибкор ўқувчилар муаллифлигига босма юзини қўрган немис тили дарслиги ўз мундарижаси ва мазмуни билан аввалгиларидан тубдан фарк қилади. Немисча-ўзбекча ўқув машғулотлари бўйича берилган машқ намуналари ҳам эътиборни ўзига тортади.

Дарсликда ёритилган «Нобел муфотининг юзага келиши», «Ангрен қозони», «Эксто-2000» деб номланган матлар бакалаврларда қизиқиш ўйғотади.

Ўқув адабиётда немисча-ўзбекча ва ўзбекча-немисча машқларга оид яна қатор материаллар ўзифодасини топди.

(Охири. Боши ўтган сонларда)

«Ёз хилларни ҳалдан ташқари кўп эритиб, қувват ва табиий таъсирларни заифлаштиради. Ёзда қон, балғам, сафро ва савдо қўпаяди».

Абу Али ибн СИНО

Жазирама иссиқ ва шиддатли куёш нурали таъсирини кишининг тана ҳарорати кўтарилиб, айрим ҳолатларда сиза бошлайди. Организмнинг ҳаётбахш сирларидан бири — унинг иссиқ ажратишидир. Маълумки, одам организмнинг ҳарорати 36,5 даража атрофида бўлади. Бадандаги иссиқликни асосан тери ва ўпка ташқарига чиқариб туради.

Олимларнинг фикрича, агар тери ва ўпка (нафас) орқали иссиқлик ажралиб турмаса бадан 40 соат ичида қайнаш даражасига бориб етади. Шунинг учун ташқари ҳарорат ундан банд бўлса, бадан қизиқ бошлайди, одам ўзини лоҳас ҳис қилади, нафас олиши оғирлашади, оғиз қараб, ташналик сезилади. Қўн иссиқ пайтларда киши организмда сув ва минерал тузалар микдори камайиши кузатилади. Ҳаво босими пасайиб, унинг қонга ўтиши, сингизи қийинлашиб, киши вужудда кислотаро етишмовчиллиги юзага келади. Буюк олим Абу Али ибн Сино эънинг иссиқ қонлариди инсон организмни кўпинча тўғри овқатланмаслик ва кўпинча ошқозон-ичак тизимининг нормал ишламаслиги натижасида камқонлик, асаб, юрак, қўлқ, кўз, ошқозон-ичак, иситма, сарамас ва бошқа хасталиқларнинг ривожланишини исботлаб бериб, қон босими пасайиб, бош оғриги, бош айланиши, нафас қисмати, қувватсизлик, дармонсизлик, хотиранинг пасайиши, қўн-оқларнинг совуши, асабийлашиш, юрак уришининг тезлашиши каби ҳолатлар юзага келади. Қўнғил айнаси, қайт қилиш каби ҳолатлар айниқса, одам ташна бўлиб турган пайтларда яқол

да пасайишини аниқлашган. Одам иссиққа мослашиши давомида овқат истеъмол қилиши маълум даражада камайди, глюкоза ва холестериннинг қондаги микдори пасайди ва ҳўжасо.

Инсон танаси мураккаб тузилган бўлиб, бир-бирига мослашган модда алмашинувлар натижасида соғлом яшайди. Олимларнинг таъкидлашича, организмнинг бир меъёрада ишлаши учун оксиген, ёлғар, углеводлар, витаминлар ва бошқалар керак. Ана шу моддалар ўзаро мувоиян мувозанатда бўлганича киши ўзини ҳамisha бардам ҳис этади. Организм тўла ва сифатли моддаларни қабул қилиши учун гўшт, балик, жигар, туҳум, сут ва сут маҳсулотларини, қўн мева, полиз-сабзавотлар, дўжқали ўсимликлар каби маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Кўпчилик кишилар ёзда сувда қўнлиб, офтобда қорайиб дам олишади. Ҳа, бобомиз Ибн Сино айтганидек, офтоб нуруларининг киши организмга нафи катта. Офтоб нурунинг заиф таъсири ҳужайраларни қўзғатиб, уларнинг фаолиятини зўрайтиради. офтоб нуруларидан бир маромда фойдаланилганда, қон таркибда қизиқ қон таначалари ва гемоглабин қўпаяди. Бу эса организмнинг кисторудга бўлган эътибонинг қондирати, асаб тизими ва мушакларнинг ишини яхшилайдир... Лекин ҳаддан ташқари қўп вақт офтобда бўлиш киши учун зарарлидир. Унинг ўткир нури баданини қидириб, терини қўйдирини, бунинг натижасида эса иссиқ элиптиш ва офтоб уриши мумкин. Айниқса, юрак қон-тоғрак, қалқонсимон без, жигар, буйрак ва бошқа касалликлари бор, мадорсиз, камқувват ва семиз киши-

Саломатлик сабоқлари

лар, гўдак ва қариялар офтоб нурунинг таъсирида элтиёт бўлишлари керак. Иссиқ элиттада кишининг боши оғрийдир, ланж бўлади, боши айналади, қўнғили айнаиб, қайт қилиш мумкин, оғзи қуриб, ташналиги кўнади, юзи тўқ қизиқ тусга қиради. Томир уриши ва нафас олиши тезлашади, юрак атрофида ноҳуш оғрик пайдо бўлади. Иссиқ элиптишининг энгил қўринишида бадан ҳарорати 37,5 даражага борса, оғир ҳолатида 39-41 даражагача кўтари-

спирти шимдириб, хидлатилади. Агар бемор худдан кетган бўлса, нафас олиши ва томир уриши сезилмаса, унга сунъий нафас олдирини ва юрганини массаж қилиш керак.

Ёз иссиқ ҳароратининг организмга салбий таъсирини камайитириш учун айрим чора-тадбирлар:

1. Устки кийим кенгрок, энгил, юпка, оқ рангда бўлгани маъқул. Синтетик ва сунъий газламалардан тикилган кийимлар кийиш тавсия этилмайди.
2. Овқат раціонинда ёғли ва ширин таомларни қўп истеъмол қилмаслик керак. Кўпроқ витаминларга бой мева, сабзавот, қўқат, қатқил суюқ овқатлар (мастава, мошқўрда, қайнатма шўрва, уграшо, ва бошқалар) тановул қилиш фойдалиди.
3. Ташна бўлган пайтда сувни қўп ичмай, қўч чой, турли мева, сабзавотлар шарбати, кампот, қвас, айрон истеъмол қилиш тавсия этилади.
4. Иссиқ овқат, иссиқ чой истеъмол қилгандан кейин дарҳол муздак сув, яна чой, яна шарбат, музқаймоқ ичиш қони зарар.
5. Офтобда қорайгандан кейин соя жойда биров бўлиб, кейин қўчилиши, душга тушиш ёки нам сочик билан артишиш керак.
- Кизиқ ёки терлаб турган пайтда совуқ сувга тушиш шамоллаш ва томир тортишиш касалликларини келтириб чиқариши мумкин. Хар бир киши завқли меҳнат қилиб, яхши дам олиб, сифатли овқатланса, санитария-гигиена қоидаларига ва юқориларига амал қилса, ёз ва ичида иссиғини энгил, ташвишсиз ва қўнғилли ўтказиши.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Бу-қизиқ! Кўлдаги ТОЗА СУВ

Олимларнинг фикрича, қамши сувни тозаловчи яхши восита экан. Улар ифрос сувли реин дарёсида шундай таърибга ўтказишган.

Дарё сувидан махсус қўл ҳосил қилиб, қўл четлариди қамши ўстиришган. Орадун уч ой ўтғач, қўлдаги ифрос сув тозаланиб, истеъмолга ярайдиган бўлиб қолган.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қасаба уюшмалари Бухоро вилояти кенгаши раиси Саида Сайфуллаевага волидаи муҳтарамаси

Саодат САЛИҲОВАНИ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бухоро вилоят қасаба уюшмалари кенгаши, тармоқ қасаба уюшмалари вилоят қўмити, кенгаш ва вакилликлари жамоалари вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси Саида Сайфуллаевага волидаи муҳтарамаси

Саодат САЛИҲОВАНИ вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 5-сонли касб-хўнар мактаби томонидан Салихова Нигора Садилаева номига 1998 йил 30 июнда берилган № 083330 рақамли диплом йўқолгани сабабли

БЕКРО ҚИЛИНАДИ

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрим хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Масъули: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсатишчи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Биҳими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарувида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5 6